

**IN MEMORIAM**

## **ЎҚУВ ИШЛАРИНИНГ БИЛИМДОНИ НОРБОЙ ОРТИҚОВНИНГ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНАДИ**



Шундай инсонлар борки, ўзларининг яхши амаллари, эзгу ишлари билан ҳамкаслари, жамоасида муносиб ўринга, мавқега эга бўладилар. Педагогика фанлари доктори, профессор Норбой Ортиқович Ортиқов ҳам зукко олим, бағрикенг устоз, ишнинг кўзини билувчи раҳбар сифатида жамоада, эл-юрт орасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлганлардан биридир.

Норбой Ортиқович Ортиқов 1948 йил 27 декабрда Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида таваллуд топган. Оиласда 12 фарзанд бўлиб, Норбой ака бу узун карвоннинг етакчиси, тўнғичи эди. Бунинг масъулияти ҳам ўзига яраша бўлган. Чунки катта ғилдирак қаерга юрса, кичиклари ҳам унинг ортидан эргашади. Норбой ака буни ҳис қилиб, бутун умр ука-сингилларига намуна бўлишга ҳаракат қилди. Ўқиди, ўрганди, меҳнат қилишдан чарчамади. Ўз навбатида улар ҳам акадан андоза олишди, унга ўхшашга ҳаракат қилишди. Бунда Норбой аканинг таъсири, тутуми, талаби туфайли барча фарзандлар эл-юрт корига ярашни ўзларининг ҳаётий аъмолларига айлантиришди. Кўлларидан келганча бошқаларга яхшилик қиласидан, халққа фойдаси тегадиган, эл-юрт корига камарбаста кишилар бўлиб етишди. Ака-укалар ўртасидаги бундай илиқ муносабатлар уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишда жуда аскотди.

Норбой Ортиқовнинг 36 йил педагог, 26 йил раҳбар сифатида фаолият олиб борди. У энг оддий ишдан, қуйи лавозимдан бошлаб, поғонама-поғона раҳбарлик сирларини ўрганди. Дастрлаб, рус тили ва адабиёти, кейинрок педагогика ва психология фанлари ўқитувчиси, катта ўқитувчиси, кафедра доценти, ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари, факультет декани, ўқув ишлари бўйича проректори, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги қошидаги давлат аттестацияси, аккредитацияси ва назорати бош бошқармаси бош эксперти, бўлим бошлиғи, Олий ўқув юртлари бош бошқармасининг бош мутахассиси сингари ўта масъулиятли лавозимларда

ишлади. Қайси лавозимга тайинланмасин, ўзига билдирилган ишончни оқлади.

Норбай Ортиқов олим сифатида ўзига ва шогирдлариға нисбатан ниҳоятда талабчан ва масъулиятли эди. У педагогика фанлари доктори, профессорлик илмий унвонига осонликча эришмади. Илм соҳасида тинимсиз изланишдан, ўқиб-ўрганишдан чарчамади. Доимо пухта ишлашга, изчилликка амал қилди. Шогирдлариға ҳам шундай талабларни қўярди. У кишининг раҳбарлигига тўрт нафар шогирди номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди, яна тўрт нафари эса ҳимояга тавсия этилганди.

Норбай Ортиқов олий таълим муассасасида ишлаш давомида бой тажрибага эга бўлиб, бу тажриба унга таълим жараёнида, уни юксалтириш ва такомиллаштиришда жуда қўл келди. Университетга ўқув ишлар бўйича проректор этиб тайинлангандан кейин унинг раҳбарлигига Давлат таълим стандартлари қайта қўриб чиқилди. Шу асосида ўқув дастурлари ва режалари қайтадан ишланиб, турдош олий ўқув юртлари учун таянч ОТМ бўлишда Норбай Ортиқовнинг хизматлари каттадир.

Дарсларда талабаларнинг давомати, профессор-ўқитувчилар меҳнат интизомига амал қилишлари ҳамиша у кишининг эътиборида эди. Мониторинг ва ички назорат бўлими билан биргаликда ўқув жараёнининг боришини мунтазам кузатарди. Мутахассислар билан бирга ўқитувчиларнинг дарсларига кириб, таҳлил қиласар, фикрларини айтар ва ўтказиладиган дарслар сифатини ошириш бўйича тавсиялар берарди. Университет профессор-ўқитувчиларнинг хорижий давлатларда малака ошириш масаласига жиддий эътибор қаратарди. Унинг сай-харакати билан ҳар йили 10-12 ўқитувчи хорижий таълим муассасалариға малака оширишга ва тажриба алмашишга бориб келарди.

Шунингдек, Норбай Ортиқов ўқув ишлари бўйича проректори бўлган даврда доимий равишда талабаларнинг ўқув адабиётлари билан таъминланганлиги, дарсларда кўргазмали воситаларнинг бўлиши, янги ахборот технологияларининг қўлланиши, дарсликларнинг электрон вариантлари яратилганлигини назорат қилиб борарди. Бунинг натижасида бугунги кунда талабаларнинг 80 фоиз маъруза матнлари, ўқув адабиётлари ҳақидаги методик ишланмалар, семинар ва амалий машғулотлар бўйича тавсиялар ёзилган дисклар билан таъминланди.

Норбай Ортиқов иқтидорли талабаларга, айниқса алоҳида эътибор қаратар, тез-тез улар билан учрашиб турар, маънавий ва моддий аҳволлари ҳақида университет ректорга маълумотлар киритиб, рағбатлантириш бўйича таклифлар берарди.

Норбой Ортиқович ўқув ишларининг ўткир билимдони эди. У олий таълим соҳасининг меъёрий-хуқуқий тартибини яхши билар, унга онгли муносабатда бўларди. Турли масалаларни кўпчилик билан биргаликда мухокама қиласар, бошқаларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда қарор чиқаради. Қалтис вазиятларда ўз позициясини қаттиқ туриб ҳимоя қиласар ва уни далиллар билан исботлаб берарди. Шундай пайтларда унинг раҳбарлик салоҳияти яққол намоён бўларди. У ўзининг демократик бошқарув услубига эга бўлган раҳбар сифатида кўрсата олганлиги боис, жамоада ишчан ижодий муҳит яратишга эришди.

Май ойининг бошларида бевақт ўлим Норбой Ортиқович Ортиқовни орамиздан олиб кетди. Ҳамиша атрофдагиларга қўлидан келган ёрдамини аямайдиган, ғамхўрлиги билан барчанинг меҳрини қозонган, ажойиб инсон, таълим соҳасининг ҳақиқий фидойиси Норбой Ортиқовнинг хотираси юксак инсоний сифатлари, олийжаноб фазилатлари, жамоадошлари қалбида ўчмас из қолдиради. Охиратлари обод бўлсин!

**Саодат Султонсаидова**  
филология фанлари номзоди, доцент,  
Халқ таълими аълочиси

*Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда  
“Ўзбекистонда хорижий тиллар” электрон журнал ва Интернет портали  
таҳририяти жамоаси аъзолари Норбой Ортиқовнинг яқинларига ўз  
ҳамдардликларини изҳор этишади.*